



ХАБАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1997 йил, 14 февраль № 7 (235)

Сотувда нархи эркин

Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Алоқа вазирларининг икки кунлик учрашувлари бўлиб ўтди. Кейинги йилларда Марказий Осиё республикаларида алоқа соҳасида тўпланиб қолган бир қатор долзарб муаммоларни биргаликда кўриб чиқиш мақсадида ушбу учрашув ўтказилди. Кўшни республикалар Алоқа маъмуриятлари раҳбарларининг ҳамжиҳатлик руҳида ўтган кенгашида ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Шунингдек, Алоқа маъмуриятлари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоб ишларида халқаро телефон-телеграф алоқаси бўйича кўрсатилаётган хизматни қўшимча қиймат солиғидан озод қилиш таклифни ўз ҳукуматлари билан биргаликда кўриб чиқиш ҳамда электралоқа ва почта алоқасида ҳамкорликни янада кучайтириш хусусида келишиб олинди.

да Алоқа вазирлари қарзларни узиш ва кўрсатилган хизмат учун ҳисоб-китобларни ўз вақтида таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга келишиб олишди. Келгусида алоқа мутахассислари малакасини ошириш ишлари ўзаро келишилган ва аниқлаштирилган дастурлар асосида Тош-

сармояларни жалб қилиб, ўзаро ҳамкорликда катта ютуқларга эришилаётганлигини айтишди. Жумладан, уяли алоқа бўйича тузилган «Ўздунробита» ўзбек-америка қўшма корхонаси бошқарувининг раиси ва президенти жаноб Дадли Б. Кристи корхонанинг 4 йиллик фаолияти давомида энг замонавий алоқа воситалари асосида уч мартаба техника жиҳатдан қайта қуроллантирилганлигини айтди. Республикада Тошкент шаҳрида битта ва вилоят марказларида 8 та қўшма бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Уяли алоқа тармоғига 10 мингга яқин миқозларнинг телефонлари уланган. «Ўздунробита» қўшма корхонасининг телефон аппаратлари орқали Қозоғистон ва Қирғизистон шаҳарлари билан алоқа боғлаш мумкин. Жорий йилда бошқа вилоят марказларида ҳам уяли телефонлар хизмати йўлга қўйилади. Япониянинг машҳур «Мицубиси» фирмаси бош менежери Норитака Танака яна бир

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Кўшни давлатларнинг миллий алоқа тармоқларидан умумий фойдаланиш, фавқулодда ҳодисаларда алоқани таъминлаш, халқаро алоқа линияларининг узатиш тизимида умумий база яратиш, ўтказилаётган техника сиёсати бўйича ахборотлар алмашиш борасидаги масалаларни ўрганиш ва билдирилган таклифларни қайта ишлаб чиқиш мақсадида Марказий Осиё республикалари Алоқа маъмуриятлари вакилларидан иборат бўлган ишчи гуруҳини тузишга қарор қилинди. Алоқа соҳаси раҳбарлари йўлдошли телевидение тизимидан фойдаланиш ва уни ривожлантиришда ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарур деб ҳисобладилар. Учрашув қатнашчилари бел-

гиланган муддатларда Транс-Осиё-Европа кабель магистрални қурилишининг Миллий сегмент бўйича фойдаланишга топшириш борасидаги тадбирларини кучайтириш мажбуриятларини ўз зиммаларига олишди. Алоқа маъмурияти раҳбарларининг кўшни мамлакатларда тайёрланган алоқа жиҳозларини харид қилиш хусусидаги келишувлари муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Ўзбекистон Урганч алоқа заводи ва Тошкентдаги «Промсвязь» заводида тайёрланган алоқа жиҳоз-

ларини экспорт қилишга тайёр. Аммо почта алоқасида бу кўшни давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги унчалик яхши йўлга қўйилмаган. Шунинг учун ҳам учрашув иштирокчилари почта алмашиш борасидаги таклифларни пухта ишлаб чиқиш мақсадида почта хизмати раҳбарларининг учрашувини ўтказиш ва аниқ чора-тадбирлар белгилаш лозимлигини қайд қилдилар. Кўрсатилган хизмат учун ўзаро тўлов мажбуриятларини бажариш ҳалиям долзарблигича қолмоқда. Бу хусус-

кентдаги Марказий Осиё телекоммуникация ўқув Маркази ва кўшни мамлакатларнинг ўқув юртларида олиб борилади. Учрашув қатнашчилари Ўзбекистонда фаолият кўрсатётган хорижий фирма ва компанияларнинг вакиллари билан ҳам учрашдилар. Хорижий ҳамкорлар республикамизда яратилган қулай шароитлар боис кенг миқёсда илғор технологиялар асосида электралоқа тизимини техник жиҳатдан қайта таъминлаш борасида йирик лойиҳа ва

● Матбуотда «Ахборот олиш қатоллари ва эркинлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори эълон қилинди. ● Вазирлар Маҳкамаси «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун хорижий кредитлар бериш»ни ташкил этиш масалала-

лар узилишини талаб қилиб иш ташладилар. ● Россия атом энергияси вазири ўринбосари Евгений Решетников Кубада атом электр станцияси қуриш бўйича ўтказилаётган Россия — Куба музокаралари шу йилнинг охирида яқунланиши мумкинлигини маълум қилди. ● Грузиядаги Бирлашган Миллатлар Ташкили 125 нафар кузатувчисининг бу

нгрессига мурожаат қилди. ● Жанубий Корея ҳукумати халқаро ташкилотлардан расман таклиф олгандан сунггина Шимолий Кореяга амалий кўмак бериши, яъни озиқ-овқат ёрдами кўрсатишини маълум қилди. ● Берлинда Фарнинг тараққий этган 7 мамлакатни молия вазирлари ва

МУЛОҚОТ ҲОЙДАЛИ БЎЛДИ

Минг тўққиз юз ўттинчи йили ташкил топган Тошкент Алоқа коллежида шу кунга қадар 25 мингдан зиёд мутахассислар тайёрланди. Айни пайтда коллежнинг кундузги бўлимида 850 нафардан ортиқ талаба таълим олаётган бўлса, сиртки бўлимда 450 нафар талаба ишдан ажралган ҳолда алоқачилик касбини ўрганишмоқда. Шунингдек, бу ерда халқ ҳўжалигининг иқтисодиёт ва режалаштириш соҳалари учун ҳам мутахассислар тайёрланмоқда. Коллежда иккита ўқув корпуси, ҳар бири 400 ўқувчига мўлжалланган учта ётоқхона, 250 ўринли ошхона, битта оқич ва иккита ёпиқ турдаги спорт майдонлари мавжуд. Бир сўз билан айтганда талаба-ёшларнинг билим олишлари учун етарли шароитлар яратилган.

Мазкур ўқув максанида талабалар билан таниқли санъаткорлар, ёзувчи шоирлар, олимлар ҳамда матбуот вакилларининг учрашувлари тез-тез ўтказилиб турилади. Бу ерда турли мавзуларда тадбирлар ўтказиш аъёна тусини олган.

Яқинда коллеж талабаларининг Шайхонтоҳур туман прокуратураси, суд, ички ишлар бошқармаси ходимлари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Коллеж директори Саидмахмуд Акбаров бу учрашувдан асосий мақсад ёшлар ўртасида жиноятчилик ва тартиббузарликнинг олдини олиш ҳамда тарбиявий ишларни мустаҳкамлаш эканлигини алоҳида таъкидлади. Шайхонтоҳур туман прокурори Баходир Масадиров, туман суди судяси Одилжон Аллаев, туман ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари Исроил Азаматовлар сўзга чиқиб, жиноят ва унинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида, айрим вояга етмаган ўсмирлар томонидан содир этилаётган жиноятлар, тартиббузарликлар ҳақида гапиришди. Шундан сунг туман прокуратураси, суди, ички ишлар бошқармаси ходимлари талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди. Учрашув талабаларда катта таассурот қолдирди.

А. АБДУРАҲМОНОВ

ОЛАМДА НУМА ГАН?

● Янгилıklar ● Воқеалар ● Хабарлар

ри тўғрисида» қарор қабул қилди. ● Ўзбекистон билан Хиндистон ўртасида маданият, санъат, таълим, оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида ҳукуматлараро битим имзоланди. ● Тошкентда давлатлараро темир йўл ҳаракатлари жадвали ва тарифлари тизими — Трасеканнинг мувофиқлаштирувчи қўмитаси биринчи учрашувини ўтказди. ● Қозоғистоннинг бир қатор ҳудудларида ўқитувчилар, кончилар, энергетиклар иш ҳақи ва нафақалар бўйича қарз-

ерда бўлиш муддати яна олти ойга узайтирилди. Халқаро ҳамжамиятнинг бу кузатувчилари 1993 йилда Грузия билан Абхазия ўртасида жанговар ҳаракатларни тўхтатиш тўғрисидаги битимни назорат қилиш учун келган эдилар. Уларнинг Грузияда яна олти ой бўлиши БМТга 17 миллион АҚШ долларига тушади. ● Тожикистон маъмурлари ва муҳолифатчилари ўртасидаги аҳдлашувга мувофиқ томонлар ҳарбий асирларни ўзаро айирбошладилар. ● АҚШ Президенти Билл Клинтон 1998 йил федерал бюджетидан қўшимча 528 миллион доллар ажратилишини сўраб мамлакат ко-

миллий банклари раҳбарларининг ўзаро молиявий алоқаларни ривожлантиришга бағишланган учрашуви бўлиб ўтди. ● Япония автомобилларининг 50 фоизини ишлаб чиқараётган «Тойота» компаниясида барча заводлар тўхтаб қолди. Бунга ушбу компания учун эҳтиёт қисмларни кунма-кун етказиб берадиган «Айсин Сэйки» заводида ёнғин чиқиши сабаб бўлди. ● Ироқ радиоси хабарига кўра, ўтган йил охирида Президент Саиддам Хусайн ўгли Удайга суиқасд қилишда айбланган беш киши суд қарори билан қатл этилди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

НЕК япон фирмаси билан биргаликда Ўзбекистонда 1990 йилдан буён иш олиб боришаётганини айтди. Мазкур фирмалар 1992 йилда Тошкентда йирик ҳажмдаги халқаро йўлдошли алоқа мажмуини фойдаланишга топширди, 1995 йили эса пойтахт телефон тармоқлари учун рақамли радиорелели линия жиҳозларини тўлиқ келтириб беришга эришди. Утган йили «Мицуи» фирмаси халқаро танлов (тендер)да голиб чиқди ва НЕК фирмаси билан ҳамкорликда икки ярим йил мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятларини телефонлаштириш лойиҳасига кўра умумий сизими 300 минг линияга мўлжалланган рақамли АТСлар учун алоқа жиҳозлари етказиб беришни режалаштирган.

Жанубий Кореянинг «ДЭУ-Телеком» компанияси 1995 йили Фарғона вилоятида 50 минг линияли дастлабки рақамли АТС мажмуи қурган эди. Ҳозирги кунга қадар шунга ўхшаш станцияларнинг 90 минг линияси қуриб битказилди, Тошкент вилояти шаҳарлари ва туман марказларида ишга тушириш учун 45 минг линия тайёрлаб қўйилди. ДЭУ

билан ҳамкорликда Урганч шаҳрида замонавий рақамли АТС жиҳозлари ва бошқа алоқа маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган завод қурилди.

Жорий йилда Германиянинг машҳур Сименс АГ фирмаси ташкил этилганлигининг 150 йиллиги нишонланади. Фирманинг республикамиздаги ваколатхонаси бош директори жаноб Дитер

корликда «Удинет» кўшма корхонаси тузилди.

Алкател СЕЛ фирмасининг республикамиздаги ваколатхонаси бошлиғи жаноб Райнер Шпицнер Ўзбекистондаги шериклар билан 1993 йилдан буён ҳамкорлик қилинаётганини айтди. Фирма иштиракида Наманган шаҳрида маҳаллий ва шаҳарлараро рақамли телефон станциялари

ларини тараққий эттириш ва қайта таъмирлаш билан шуғулланади.

Юртимизда яқинда иш бошлаган Индонезиянинг «Бакри Коммуникейшн Корпорейшн» фирмаси ваколатхонасининг бошлиғи жаноб Харун Камарга учрашув қатнашчиларига 1996 йилда Ўзбекистонда алоқа бўйича кўшма корхона тузиш ва электралоқа тармоқларини

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Шарф Сименс Ўзбекистонда 90 йил олдин иш бошлаган бўлса, мустақиллик давридаги фаолиятига 4 йил бўлганлигини айтди. Мазкур Хиссадорлик Жамияти иштирокида 1995 йили Тошкент шаҳрида халқаро телефон станцияси фойдаланишга топширилди, орадан бир йил ўтгач Самарқандда ҳам 20 минг линияга мўлжалланган рақамли АТС ишга туширилди. Бугунги кунда ушбу фирма иштирокида Тошкентда 4 та рақамли АТС қурилмоқда. Шунингдек, Сименс АГ ТОЕ қурилишида ҳам фаол қатнашмоқда. «Сименс» ХЖ ва Италиянинг STET Int фирмаси билан ҳам-

мажмуи бунёд этилди. Тошкент шаҳрида ўн бир йўналишдаги радиорелели линиялар, 30 минг рақамга мўлжалланган рақамли АТС қурилиб фойдаланишга топширилди. Пойтахтимизда яна худди шундай 4 та АТС қурилиши ниҳоясига етказиш арафасида турилибди. 1996 йили Сохибирон Амир Темур юрти Шахрисабз шаҳрида Алкател билан биргаликда 10 минг рақамли АТС бунёд этилди. Мазкур фирма «ва Детелайн» компанияси иштирокида Чирчиқда «Чирком» кўшма корхонаси тузилди. Бу кўшма корхона йирик саноат шаҳрининг телефон тармоқ-

ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш борасидаги ҳамкорлик Битими имзоланганини маълум қилди. «Баكري» фирмаси Ўзбекистонда алоқанинг уяли тури бўйича «Бузел» корхонаси ташкил этмоқда.

Бир сўз билан айтганда Марказий Осиё давлатларининг Алоқа вазирлари учрашуви ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, алоқа соҳасини илғор технологиялар асосида такомиллаштириш ва қардош республикалар аҳолиси, халқ хўжалигини сифатли алоқа хизмати кўрсатишга хизмат қилади.

А. КУДИНОВ

ТАЙИНЛАШ



Ўрол Ўтаганович ХОЛМУМИНОВ — «Ўзбекистон почтаси» концернининг буйруғига кўра Қашқадарё вилояти давлат почта алоқаси корхонасининг бошлиғи этиб тайинланди.

Ў. Ҳ. Холмўминов 1956 йили туғилган, ўзбек, маълумоти тўлиқсиз олий ҳозир Тошкент электротехника Алоқа институти сиртки бўлимининг охириги курсида ўқийди. Меҳнат фаолиятини 1988 йили Фузур тумани почта алоқа боғламасида меъёрловчиликдан бошлаган. 1995 йилгача шу туман почта алоқа боғламасида оператор, иқтисодчи, бош ҳисобчи бўлиб ишлаган. 1995 йилдан то ҳозиргача Фузур тумани почта алоқа боғламаси бошлиғи вазифасида меҳнат қилган эди.

ЙИГИЛИШ ЎТКАЗИДДИ


Тошкент вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасининг 1996 йил якунлари ва 1997 йилдаги янги режаларга бағишланган ҳисобот йиғилиши ўтказилди. Унда шаҳар ва туман электралоқа корхоналари бошлиқлари, бош муҳандислар ва қасаба уюшма қўмитаси раислари иштирок этдилар.

Йил якунлари ва 1997 йил режалари хусусида корхона бошлиғи М. Содиков маъруза қилди. У ўз нутқида 1996 йилда алоқа хизмати кўрсатиш бўйича эришилган ютуқлар ва камчиликлар ҳақида гапирди. Маърузачи 1997 йилда «ДЭУ» корпорациясининг 30,0 минг рақамли АТСларини вилоятнинг 6 та шаҳар ва туман марказларида ўрнатиш асосий вазифалардан бири эканлигини алоҳида таъкидлади.

Муҳокамада Зафар электралоқа боғламаси бошлиғи С. Жўрабоев, Бука тумани электралоқа боғламаси бошлиғи Х. Эшонов, Қибрай тумани электралоқа боғламаси бош муҳандиси П. Тўлегенов, Паркент тумани электралоқа боғламаси бош муҳандиси Т. Пирматов, Ангрэн шаҳар электралоқа боғламаси бошлиғи А. Турматовлар сўзга чиқдилар. Йиғилишда Давлат алоқа назорати бошлиғи Ш. Исломов, вилоят бирлашган алоқа ходимлари қасаба уюшмаси раиси Л. Н. Сердюковалар иштирок этишди.

Кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Мурод НАЗИРОВ,
жамоатчи мухбиримиз



Тошкент шаҳарлараро телефон станциясида меҳнат қилаётган ЭХМ оператори Вячеслав ДРУЖИНИН касбига ихлоси баянда, ёш мутахассислардан бирадир.
Суратқаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

• Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

ОДАМЛАР ОРАСИДАГИ ПОЧТАЧИ

Хайробош маҳалласи Жиззах туманининг энг гавжум, хушманзара ва аҳил маҳаллаларидан бирадир. Маҳалла аҳли бирор муаммо қисса биргаликда ҳал қиладилар. Маҳалладаги ҳар бир одамнинг туриш-турмуши, ким эканлиги маҳалла аҳлига аён бўлади. Маҳалла ҳурматида сазовор инсонлар ҳам бор. Шундай инсонлардан бири Жиззах тумани, Учтепа почта алоқа боғламасига қарашли Хайробош алоқа бўлимининг почтачиси Турдиали Сулаймоновдир. У киши мана 21 йилдирки шу доврўғи кетган маҳалланинг почтачисидир. Турдиали Сулаймонов қарийб

400 хонадонга хизмат қилади. У фақатгина хабарчилик қилиб қолмасдан, яхшигина тарғиботчи ҳамдир.

Ҳозирги кунда ҳеч кимга сир эмаски, обуна баҳоси анчагина қиммат. Буни ҳар кимнинг ҳам чўнтаги кутаравермайди. Лекин бу дегани янгиликлардан беҳабар қолавериш керак деган гап эмас. Турдиали аканинг фазилатларидан бири шуки, матбуотда эълон қилинган сиёсий ва ижтимоий янгиликларни ўзи хизмат қилаётган маҳалла аҳли ўртасида кенг тарғибот қилади.

— Шундай аҳил маҳаллага хизмат қилишдан беҳад бахталанинг почтачисидир. Турдиали Сулаймонов ака Сулаймо-

нов. — Бахтиёрлигим сабабли шундаки, мен доим маҳалла одамлари орасидан, улар билан ҳамсуҳбат бўламан, дардига ҳам, қувончига ҳам шерикман. Шу аснода иш кунини қандай утганини билмай қоламан.

— Жамоамизда ўз касбига меҳр қўйган, Турдиали акага ўхшаш жонқуяр почтачилар қўллаб топилди, — дейди Учтепа почта боғламаси бўлимининг уринбосари Сунатулла Орипов. — Биз бундай тиниб-тинчимас ходимларимиз билан фахрланамиз.

Й. УРДУШЕВ,
жамоатчи мухбиримиз,
Жиззах вилояти

АҲОЛИ МАМНУН

Хоразм давлат почта алоқа корхонаси почта хизмати яхшилаш мақсадида янги «Дамас» автомашиналарини сотиб олди. Илгари матбуот нашрларини етказиб беришда узилишлар бўлиб турарди. Айниқса Шовот туманига газета ва журналлар анча кеч етказиларди. Энди эса бу узилишларга барҳам берилиб, матбуот нашрлари ўз эгаларига вақтида етиб боради. Бундай қўлайликдан барча мамнун бўляпти.

Нурмат РАЖАБОВ,
Хоразм вилояти

«Ўзбекистон почтаси» концерни жамоаси концерн раиси ўринбосари Қ. Т. Тўлебоевга онаси

ИБОДАТ аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



ЮРАГИМДА ЯЮЯЛИ БИР АРМОН ҚОЛД

Қамчибек КЕНЖА

Таниқли шоир ва ёзувчи Қамчибек Кенжанинг номи муштарийларга яхши таниш. Адибнинг «Соғинч», «Ишқинг тушса», «Кўнгул кўчалари», «Яшил барг», «Тог йўлида бир оқшом», «Нотаниш гул», «Соҳибжамол аёл сирин», «Қизил гул», «Соҳилдаги сув париси» каби кўплаб китоблари нашр этилган.

Ҳамкасбимиз, Андижон вилояти ёзувчилар уюшмаси раҳбари, «Холис» газетаси бош муҳаррири Қамчибек Кенжани 50 ёши билан самимий табриклаймиз ҳамда унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ижодий баркамоллик тилаймиз.

Бир гишт-ла бузилади
Иморатнинг бурчаги.
Зиёд юқдан синади
Араванинг гупчаги.

Бирор томир қирқилса
Бошқасига келар зўр.
Бир толаси узилса
Нимжон тортар арқон, тўр.

Кўшимча юк — кўшимча...
Заифликдан ортгани.
Қувват керақдир шунча
Ўзга юкни тортгани.

Қилмасин юкимизни
Ўзгаларга тортгулик.
Тортайлик ўзга юкин,
Бўлмайлик кўшимча юк...

ОВАНЕС ШЕРОЗДАН

Гуллар кулогимга
шивирлар аста:
— Ҳидлаб қол, тез кунда
мен кетажакман.
— Тезроқ бўл, — ирмоқлар
шовуллар пастда, —
Ичиб қол сувимдан, мен
кетажакман.
Оғир нафас олиб мен
дедим хаста:
— Йўк, дўстларим, сизмас,
мен кетажакман.

Яхмалаклар, қорлар эриб
битмишдир,
Изгири ел шимол сари
кетмишдир,
Қор отиш, қиз қувиш
энди ўтмишдир,
Қордаги излар ҳам ўчиб
йитмишдир.
Табиат бир лаҳза паришон
қолди,
Юрагимда тотли бир
армон қолди.

Шигил гўра тугиб гуллар
тўкилди,
Лолақизғалдоқлар очилиб
сўлди,
Кўёшнинг ҳам сабр
косаси тўлди:
Чақинлар, булутлар четга
сурилди.
Кўклам туйғулари, ҳаяжон
қолди,
Юрагимда тотли бир

армон қолди.
Эртаки олмалар бўлмишдир
ҳазм,
Бандини тарк этди чиллаки
узум,
Офтоб ҳам оғмишдир —
соялар узун,
Мўътадил ҳарорат ҳар ерда
шу зум.
Гўза баргида чанг, мағзда
дон қолди,
Юрагимда тотли бир армон
қолди.

Хазанак товланиб турар
панада,
Йилт этган чаноқ ҳам
йўқдир далада,
Заминга роз айтар барглар
жалада,
Қушлар жануб томон учар
галада.
Хирмон қолди, шифтда
ошиён қолди,
Юрагимда тотли бир армон
қолди.

Армонли, армонсиз кетди
тўрт фасл,
Биз учун бариси
бир-бирдан асл.
Билмам, такрор насиб
бўларми васл,
Бу қонун ўтажак
насла-насл,
Ҳаёт ва туйғулар навқирон
қолур,
Юрагимда тотли бир армон
қолур.

ВИСОЛ

Дарё билан учрашса дарё
Ҳосил бўлур уммонлар.
Еллар билан учрашса еллар
Қутуради тўфонлар.
Ҳамкасблар, дўсту улфатлар
Гар қолсалар учрашиб,
Шоду хандон, қаҳқаҳа,
бахслар
Кўкка ўрлар чирмашиб.

Гар иккимиз учрашсак
Тўлқинлар унсизланар,
Бўронлар кучсизланар,
Шовқинлар сўзларга,
Бахслар кўзларга
Кўчадир.
Борлиқ ўйга чўмганча
тақасиз
Қанотли отларга
минар-да,
Бошқа бир дунёга
Жимгина учадир.

КЎШИМЧА ЮК

Ҳар кимнинг ўз юки бор,
Кўшимча юк оғирдир.
Табиатда неки бор
Нимагадир қодирдир.

Чумолилар дон ташир,
Чумчуқ шолин пучлайди.
Сувлар тўғондан ошур,
Шамол ўтти кучлайди.

• Ажаб дунё

ОЙДА ЯШАСА БЎЛАДИМИ?

Ойга кўниб қайтган «Клементина» йўлдоши берган маълумотларга асосланган америкалик олимлар ҳайратомуз хулосага келдилар. Космик кемадаги радар Ойнинг ҳеч қачон кўёш нури тушмайдиган ва муттасил ўта паст совуқлик сақланиб турадиган кутбдаги улкан кратер тубида суви музлаб қолган «ховуз» борлигини аниқлади. Кратернинг ҳажми Пуэрто-Рико оролидан икки марта катта, чуқурлиги эса 13 километр бўлиб, унда Эверест бемалол кўмилиб кетади. «Ховуз»нинг чуқурлиги эса 3 метрдан 30 метргача боради.

Олимларнинг фикрича, Ойда топилган бу музлик келажакдаги саяхатчилар учун ерда тураржойлар барпо этишларида бир асос-замин бўла олади. Одамлар бу музликни эритиб, ичимлик суви сифатида фойдаланишлари ёки парникларда ўсимлик етиштиришлари мумкин. Олимларнинг таъминига кўра бу «ховуз» 3,5 миллиард йил муқаддам Ойнинг комета билан тўқнашуви натижасида пайдо бўлган экан.

НЕФЕРТИНИ ҚАЙТАРИНГ

Юз мингдан зиёд қадимий Миср ёдгорликлари дунёга сочилиб кетган. Бу иш ўтган асрда содир бўлган.

Икки юз йил муқаддам Наполеон қўшинлари пирамидалар юртини ишғол қилганда, европаликлар қандай ноёб хазинага дуч келганликларини пайқаганлар. Европада Мисрга дахлдор нарсалар мода бўла бошлади. Миср ҳукмдорлари ўз қадриятларининг сотиб олиниши ва олиб кетишига тўсқинлик қилмаганлар.

Йиллар ўтгач, давр ҳам ўзгарди. Мисрда қадимий ёдгорликларни сотиш ва уни мамлакатдан олиб чиқиб кетиш аллақачон қонун йўли билан ман қилинган. Энди мисрликлар бир вақтлар европаликлар қандай ноёб дурдоналардан маҳрум этишганини биладилар. Берлин музейига қўйилган малика Нефертитининг бюсти, Нью-Йоркдаги «Метрополитен»ни беэза турган малика Хатшепсут бюсти ана шундай тажовузнинг натижасидир.

Миср маданият вазири Фарук Хусни бу дурдоналарнинг лоқал бир қисмини қайтариб беришларини талаб қилмоқда. Бунинг эвазига қадимий осори-атиқалар департаменти мазкур музейларга бошқа қимматли экспонатлар тортиқ қилишга тайёрдир.

• БУХОРО ШАҲРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА



Ишқ либосини кийишдан ор қилинг ва муҳаббат лаззатидан бебаҳра бўлиш табиатнинг оғир жафоси ва касаллик тақозосидир.

Мажиддин ХАВОФИЙ

Киши ўз ерини ағёр билан кургандан кўра жулолик хабрини тортгани афзал.

Муниддин ЖУВАЙНИЙ

Шириндан суралдилар: «Хусравнинг лўнча шону шавкати бўлса ҳам, уни севмай, бечора Фарҳодни нима учун севасан?» Ширин жавоб бериб деди: «Чунки Хусравнинг менга нисбатан бўлган севги даъвоси тилинган учида, Фарҳодники эса жонининг ичидилар!»

ХУРРАМИЙ

ИШҚ, МУҲАББАТ ҲАҚИДА

Суралдилар: «Ошиқ учун энг оғир ўқубат нима?» Жавоб берди: «Узоқ муддатли умиддан кейинги ноумидлик!»

Мажиддин ХАВОФИЙ

Мажнун ҳақида ҳикоя қилишларича, у ҳар куни Лайлини кургани келар, аммо Лайли ундан юзини яшириб олар экан. Бир куни Лайлидан: «Нега юзингни ундан яширасан?» — деб суралдилар. Лайли: «Ҳар куни юзимни курсатаверсам, унинг дилида менга нисбатан бўлган муҳаббати камайиб қолишдан қўрқаман!» — деб жавоб берди.

ХУРРАМИЙ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖЎРАБОВ Шухрат ЖАББОР Анатолий КУДИНОВ

Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари) Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Масъул котиб) Мирпўлат МИРЗО Рустам ҚОСИМОВ Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ Бобоҳон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Бўрибой АҲМЕДОВ ОТАУЛИ Саидмаҳмуд АКБАРОВ Шохруҳ АКБАРОВ Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600 ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Мухарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир. Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0116. 13190 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табок. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

